

**Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг олий таълим муассасаларидаги
спорт клубларининг намунавий
ИШ РЕЖАСИ**

Умумий қоидалар

Спорт клуб – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил “Давлат таълим муассасалари хузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 542-сонли қарорига асосан ташкил этилган бўлиб Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг (кенги ўринларда – Ассоциация деб юритилади) олий таълим муассасаларидаги филиали ҳисобланади ҳамда Ассоциациянинг мақсад ва вазифаларини тегишли олий таълим муассасаларида амалга оширишга қўмаклашади.

Спорт клуб мақоми – олий таълим муассасаси талабалари, профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, магистр ва катта илмий ходим-изланувчилари ҳамда ишчи-хизматчиларининг қизиқиши ва эҳтиёжларига қараб, жамоатчилик бошқаруви асосида, тенг ҳуқуқлар билан бирлаштирадиган, талабалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, ривожлантириш ҳамда юксак маҳоратли спортчилар захирасини тайёрлаш, шунингдек ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат ношароит ташкилоти ҳисобланиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмасидир.

Спорт клуб фаолияти Ассоциациянинг Устави, Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган Низомлар, йўриқномалар ва қарорлар асосида тартибга солинади.

1. Спорт клубининг асосий мақсади: олий таълим муассасалари талабалари, профессор-ўқитувчилари, магистрантлари, илмий ходим-изланувчилари, ишчи-хизматчилар ва педагог мураббийларини айниқса ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, улар учун зарур шарт шароитлар яратиш. Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишларини ташкил этиш, оммавий жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирларига жалб қилиш орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, талабаларни спорт мусобақаларга кенг жалб этишдан иборат.

2. Спорт клубнинг функционал вазифалари: олий таълим муассасасида фаолият олиб бораётган спорт секциялари ва спорт тўғаракларидаги машғулотлар жадвалини мақбуллаштиришга қўмаклашиш, ҳар хил спорт турлари, энг аввало спортнинг олимпия ва миллий турлари бўйича янги қўшимча секция ва гуруҳлар ташкил этиш ҳисобига ёшларни, шу жумладан қизларни спорт билан шуғулланишига янада кенгроқ жалб этиш;

спорт турлари бўйича федерациялар билан ҳамкорликда “Универсиада”, “Талабалар ўйинлари” спорт мусобақалари ва Байрам саналари муносабати билан мусобақалар ўтказиш орқали талабалар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш;

“Универсиада” спорт мусобақаларини қуйи босқичларини сифатли ўтишини таъминлаш мақсадида тақвим режаларини ишлаб чиқиш ҳамда мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишдан иборат.

3. Спорт клуби қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Аъзоларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

Ижтимоий ҳаётнинг спорт-соғломлаштириш масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, бу хусусда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

Оммавий жисмоний тарбия спорт тадбирлари, ўқув-машғулот йиғинларини, спорт байрамлари, спартакиадалар, фестиваллар, спорт мусобақалар, Бутунжаҳон ҳамда Осиё ёзги, кишки “Универсиада” спорт мусобақаларида иштирок этиш;

“Универсиада” спорт мусобақаларининг барча босқичларини ўтказиш ва ташкил этишда иштирок этишдан иборат

Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг олий таълим муассасаларидаги спорт клубларининг намунавий ИШ РЕЖАСИ

| № | Тадбир номи | Муддати | Масъуллар |
|--|---|----------------|---|
| 1. Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси Ижроия қўмитасига киритиладиган ҳужжатлар | | | |
| 1. | Спорт клубнинг йиллик намунавий иш режа, штат бирликлари, сараф-харажатлар сметаси ва йиллик оммавий спорт тадбирлари тақвим режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ижроия қўмитага тақдим этиш. | январь | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари |
| 2. Спорт клуби ҳисоботлари | | | |
| 2. | Спорт клубнинг йил мобайнида амалга оширилган ишлари тўғрисида ҳудудий солиқ, статистика ва адлия органларига ҳисобот топшириш. | январь | Спорт клуб раис ўринбосари ва бош ҳисобчиси |
| 3. | Спорт клуб томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан Ассоциацияга ҳисобот топшириш | хар чоракда | Спорт клуб раис ўринбосари |
| 3. Спорт клуби раисининг ишлаб чиқариш йиғилишида кўриладиган масалалар | | | |
| 4. | Спорт клубига юқори ва турли ташкилотлардан келган ҳужжатларни белгиланган муддатларида ижросини таъминланиши | йил давомида | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари |

| | | | |
|-----|--|---------------------|---|
| 5. | Спорт клуб томонидан олий таълим муассасаларида ўқув йили мобайнида ўтказиладиган оммавий спорт тадбирлари тақвим режасини тасдиқлаш. | январь | Спорт клуб Ижроия қўмитаси |
| 6. | Спорт секциялар ва спорт тўғараклари тўғрисида жадвалини шакллантириш. | январь | Спорт клуб Ижроия қўмитаси |
| 7. | Талабалар ўртасида юқори спорт натижаларига эришган спортчи ва мураббийларни Спорт клуби томонидан бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш | йил мобайнида | Спорт клуб раиси |
| 8. | Спорт клуби томонидан спорт турлари бўйича терма жамоа аъзолари ҳисобланган олий таълим муассасалари талабаларини зарурий анжом, жиҳоз, спорт кийими (экипировка), тиббий-биологик, фармакалогик, фармацевтик ва бошқа тақиқланмаган тикланиш воситалари билан таъминлашни амалга ошириш, шунингдек Республика ва Халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўришда уларга зарурий шарт-шароитларни яратиш ва унда иштирок этишларини таъминлаш. | йил мобайнида | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари |
| 9. | Спорт клубга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, талабалари, тизимида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилари, магистрантлари, илмий ходим-изланувчилари, ишчи-хизматчилар ва педагог мураббийларни онлайн тарзда www.talabasport.uz веб-сайти орқали аъзоликка қабул қилиниши таъминлаш | ўқув йили мобайнида | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари, бошланғич ташкилот (факльтет) раҳбарлари |
| 10. | “Универсиада” спорт мусобақаларининг қуйи босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш. | ўқув йили мобайнида | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари, бошланғич ташкилот (факльтет) раҳбарлари |
| 11. | Кураш спорт тури бўйича: 1-босқич: “Ректор кубоги” спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ҳудудий саралаш босқичда иштирок этадиган олий таълим муассасаси терма жамоасини шакллантириш; 2-босқич: “Олий ва ўрта махсус таълими вазири кубоги” спорт мусобақаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, | февраль | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари, бошланғич ташкилот (факльтет) раҳбарлари |

| | | | |
|-----|--|---------------------|---|
| | вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий саралаш босқичини ҳамкорликда ташкил ва ўтказиш. 3-босқич: “Олий ва ўрта махсус таълими вазири кубоги”нинг Республика финал босқичида иштирок этиш. | | |
| 12. | Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари ўртасида “Дўстлик” Спартакиадасини ташкил этиш. | март | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари, бошланғич ташкилот (факълтет) раҳбарлари |
| 13. | 7-апрел Халқаро саломатлик куни муносабати билан талаба-ёшлар ўртасида кросс югуриш мусобақаларини ташкил этиш. | апрель | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари, бошланғич ташкилот (факълтет) раҳбарлари |
| 14. | Ўқув йили давомида спорт клуб томонидан олий таълим муассасаси томонидан байрам саналарига бағишлаб спорт мусобақаларини ўтказишни ташкил қилиш ва назоратини олиб бориш. Ҳисоботларини Ижроия қўмитага тақдим этиш | ўқув йили мобайнида | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари |
| 15. | Иш режанинг бажарилиши юзасидан ҳар чорақда Ассоциацияга ҳисобот тақдим этиш. | ҳар чорақда | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари |
| 16. | Спорт турлари бўйича тегишли спорт разрядларини бериш учун бажарилиши зарур бўлган нормалар ҳамда талабларни бажарган талаба спортчиларга тегишли спорт разрядлари олишлари учун спортчиларнинг маълумотнома-анкеталарини www.talabasport.uz веб-сайти орқали Ассоциациянинг “Спорт разрядлари бериш бўйича малака комиссиясига” тақдим этиш | ҳар чорақда | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари |
| 17. | 1-Октябрь Ўқитувчи мураббийлар кунига бағишлаб профессор-ўқитувчи ва ишчи ходимлар ўртасида “Саломатлик” Спартакиадасини ташкил этиш ва ўтказиш. | октябрь | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари, бошланғич ташкилот (факълтет) раҳбарлари |
| 18. | Маҳоратли спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар иштирокида жойларда “Давра суҳбатлари”ни ўтказиш | йил мобайнида | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари, бошланғич ташкилот (факълтет) раҳбарлари |
| 19. | Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет тармоғи орқали Ассоциация Ижроия қўмитаси томонидан ўтказилган спорт мусобақаларини кенг тарғиб қилиш чораларини амалга ошириш. | йил мобайнида | Спорт клуб раиси ва раис ўринбосари |

5. Спорт клуб бош ҳисобчи томонидан бажариладиган ишлар.

| | | | |
|-----|--|---------------|--------------------------|
| 20. | Спорт клуб маблағларидан сарф-харажатлар сметасига мувофиқ мақсадли сарфланиши ва ўзлаштирилиши назорат қилиш. | йил мобайнида | Спорт клуб бош ҳисобчиси |
| 21. | Ойлик, чорак, йиллик ҳисоботларни таҳлил қилган ҳолда тегишли ташкилотларга ўз муддатларида тақдим этиб бориш. | йил мобайнида | Спорт клуб бош ҳисобчиси |
| 22. | Ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобини ўз вақтида олиб бориш, ишчи ходимларга иш ҳақларини ўз вақтида бериш. | хар ойда | Спорт клуб бош ҳисобчиси |
| 23. | Товар моддий бойликларини кирим-чиқими, асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш, инвентаризация ўтказиш ва товар моддий бойликларини ҳисоб-китобини юритиш. | хар ойда | Спорт клуб бош ҳисобчиси |
| 24. | Давлат солиқ инспекцияси, Халқ банки ва статистика Бўлимига тегишли ҳисоботларни ўз вақтида топшириш ҳамда хизмат кўрсатувчи банк билан ҳамкорлигида вазифаларни амалга ошириб бориш | хар ойда | Спорт клуб бош ҳисобчиси |
| 25. | Спорт клубининг ҳисоб рақамига келиб тушган ва чиқиб кетган хар қандай маблағнинг асословчи ҳужжатларини юритиб бориш. | хар ойда | Спорт клуб бош ҳисобчиси |